

Анонс: Таниқли уламоларнинг бугунги жума намозига Навоий вилоятидаги масжидларга ташриф режаси



11:51 / 24.09.2021 1098

Бугун, 24 сентябрь куни уламолар Навоий вилоятидаги қуйидаги жоме масжидларга ташриф буюриб, жума намозини мўмин-мусулмонлар билан адо этиб, маърифий суҳбат қилиб берадилар:

1. Навоий шаҳридаги

"Алишер Навоий" жоме масжидига Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков;

2. Навбахор туманидаги

"Ғойиб ота" жоме масжидига Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Иброҳимжон домла Иномов;

3. Навоий шаҳридаги

"Оқтош" жоме масжидига Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг маслаҳатчиси Салоҳиддин домла Шарипов;

4. Қизилтепа туманидаги

"Боязид Бастомий" жоме масжидига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани бош имом-хатиби Раҳматиллоҳ домла Сайфуддинов;

5. Хатирчи туманидаги

“Шайх Гадой Селкин” жоме масжидига Ўзбекистондаги цивилизация маркази масъул ходими Аброр домла Мухтор Алий;

6. Хатирчи туманидаги

“Имом Аъзам” жоме масжидига Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари Абдуқаҳҳор домла Юнусов;

7. Конимех туманидаги

“Мих ота” жоме масжидига Тошкент шаҳар “Убай ибн Каъб” масжиди имом-хатиби Абдуҳаким қори Матқулов;

8. Хатирчи туманидаги

“Тангриберди бобо” жоме масжидига Тошкент шаҳридаги “Хўжа Аламбардор” масжиди имом-хатиби Раҳимберди домла Раҳмонов;

9. Кармана туманидаги

“Хўжа Сабр ота” жоме масжидига Тошкент шаҳридаги “Сирож Солиҳ” масжиди имом-хатиби Ҳасан домла Қодиров;

10. Хатирчи туманидаги

“Майдон ота Мирхалил” жоме масжидига Тошкент шаҳар “Ҳазрати Имом” масжиди имом-хатиби Ҳабибуллоҳ қори Абдураззоқов;

11. Хатирчи туманидаги

“Чангир” жоме масжидига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бош имом-хатиби Эргашали домла Рустамов;

12. Қизилтепа туманидаги

“Тошмасжид” жоме масжидига Тошкент шаҳридаги “Омина” масжиди имом-хатиби Юсуф домла Муҳиддинов;

13. Навбаҳор туманидаги

“Хон хўжа эшон бобо” жоме масжидига Тошкент шаҳар Олмазор тумани бош имом-хатиби Абдуллоҳ домла Юлдашев;

14. Кармана туманидаги

“Жалойир” жоме масжидига Тошкент шаҳар “Ал-Ҳудайбия” масжиди имом хатиби Муродулла домла Хуназаров;

15. Навбахор туманидаги

“Хўжайи Боғдод” жоме масжидига Тошкент шаҳар “Тўра бува” масжиди имом-хатиби Шавкат домла Ҳамдамов.

Шунингдек, уламоларимиз масжидлар атрофида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан учрашув ўтказиш, эҳтиёжманд оилаларда бўлиб, “Вақф” фондининг моддий ёрдамини етказиш ва вилоятдаги ижтимоий объектларга ташриф буюришлари режа қилинган.

Аллоҳ таоло вилоятимизга уламоларимиз сафарини хайрли ва манфаатли қилсин!